

2021
1-сон

IQTISODIYOT VA TURIZM
xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ
международный научно-
инновационный журнал

ECONOMICS AND TOURISM
international scientific and
innovative journal

ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-2561

ISSN 2181-2551



9 772181 255890

E-ISSN 2181-2561



9 772181 256001



ISSN 2181-2551
E-ISSN 2181-256X

"IQTISODIYOT VA TURIZM"
xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

«ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ»
международный научно- инновационной журнал

"ECONOMICS AND TOURISM"
international scientific and innovative journal

№1(1) 2021



Jurnal haqida

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali

"Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy-innovatsion jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktorligi (PhD), fan doktorligi (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida "Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom" talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

«Экономика и туризм» международный научно- инновационной журнал

Основные требования к научным статьям, представляемым в международный научно-инновационной журнал «Экономика и туризм» являются научные публикации, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), докторских (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, в том числе из шаблонов в системе требований к электронным научно-техническим журналам.

About the magazine

"Economics and Tourism" international scientific and innovative journal

The main requirements for scientific articles submitted to the international scientific and innovative journal "Economics and Tourism" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), doctoral (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

TAHRIRIYAT KENGASHI



Tahririyat Kengashi raisi

Navruz-Zoda Bakhtiyor Negmatovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari

Khamraev Khalim Razikovich

Bukhara State University Docent Doctor of economical sciences

Bosh muharrir

Khidirova Gavkhar Rustamovna

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Khamidov Obidjon Khafizovich

Bukhara State University Professor Doctor of Economical sciences (DSc)

Akhmedov Tursun Mukhitovich

Institute of forecasting and macroeconomic researcher (IFMR) Deputy director professor, Doctor of Economic Sciences (DSc)

Yuldashev Shuxrat Ganievich

National university of Uzbekistan professor Doctor of economic science

Pardaev Mamayunus Karshibaevich

Samarkand Institute of Economics and Service Professor Doctor of economics

Djavlonbek Kadirov

Place of work: Victoria University of Wellington PhD in Marketing

Khazhimov Pazliddin Zukurovich

National university of Uzbekistan Docent Doctor of philosophy (PhD) of Economic sciences

Abdullaev Ilyos Sultanovich

Urgench State University professor Doctor of economic sciences

Alimova Mashhura Toirxonovna

Samarkand Institute of Economics and Service Professor of the Department of Management DSc in Economics

Kakhkhorov Otabek Siddikovich

Bukhara State University Vice-rector on scientific researches and innovation Doctor of Economical sciences (DSc)

Juraev Abror Turobovich

Bukhara State University Vice-rector for International Cooperation Candidate of economic sciences

Yavmutov Dilshod Shoyimardonkulovich

Bukhara State University Docent Doctor of philosophy (PhD) Economical sciences

Tadjieva Sayyorakhon Uralovna

Bukhara State University Head of the Department Candidate of economic sciences

Mas'ul muharrir: Gavhar Xidirova

Veb-administratorlar: Husenov Murodjon, Saygatov Rajab



MUNDARIJA

Khamidov O.Kh., Khayrullaeva N.N. Improving management mechanisms for ecotourism in Uzbekistan.....	5
Навруз-Зода Б.Н. Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий йўли.....	20
Ахмедов Т.М. Узбекистан в системе глобального рейтинга ЦУР	35
Эгамбердиев Ф.Т., Махмудов М.М. Минтақалар туризмни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	39
Ҳамроев Ҳ.Р. “Шоҳрах”дан унумли фойдаланиш имкониятлари.....	49
Khoshimov P.Z., Khushvaktova H.O. Investment in human capital as a factor of innovative economic development.....	57
Дилшод Худайберганов, Бехзод Қўзибоев, Оғабек Самандаров, Оғабек Тураев. Минтақада туризм потенциалини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	66
Исомов Б.С. Реальные инвестиции и инвестирование в условиях рыночных отношений.....	74
Tadjiyeva S.U. Ta’lim tizimida masofaviy texnologiyalarni qo’llash yo’nalishlari.....	84
Mukhriddin Kilichov, Teruel Serrano Maria Dolores. Sustainable heritage tourism development research model at heritage resources	90
Хидирова Г.Р. Ички туризм – инсон маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида.....	98
“iqtisodiyot va turizm” jurnali uchun maqolalarni rasmiylashtirish talablari	104

УДК: 33.018

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МОНОИҚТИСОДИЙ ЙЎЛИ

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Бухоро давлат университети,
bnzoda@mail.ru

Аннотация:

Кириш. Мақолада одамларнинг иқтисодий қобилиятларининг икки томонлама: меҳнат қилиш ва тадбиркорлик иши билан шуғулланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда камбағалликни бартараф этиш масаласи кўриб чиқилган бўлиб, муаллиф томонидан тавсия этилган “*Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий модели*” доирасида инсон иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш ва уларни пул оқимларининг турли секторларида рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш орқали фуқароларнинг фаровонлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Тадқиқот методлари. Мақолада монографик усулида “камбағаллик” атамасини таҳлил қилган, контент таҳлил усулидан фойдаланиб, камбағалликни “7-М” даражада амал қилиниши аниқланган, тизимли таҳлил усулини қўллаш натижасида инсон иқтисодий тараққиётининг сифат даражалари ажратилган, мантиқий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда инсон иқтисодий қобилиятларини ривожланганлик даражасини миқдорий баҳоланган, Қобилият/Даромад мутаносиблик матрицаси усулидан фойдаланиб, одамларнинг турмуш даражасини солиштирма таҳлили ўтказилган.

Натижалар ва мунозара. “Моноиқтисодий камбағаллик” деганда меҳнат лаёқатидаги инсонларнинг камбағалларга хос одатларининг мавжудлиги ҳамда малакаси пастлиги, доимий ишининг йўқлиги сабабли ишлаб кам пул топадиган ёки ишсизлиги туфайли умуман даромади мавжуд бўлмайдиган ва зарурий эҳтиёжларини ўз даромади ҳисобидан қоплай олмайдиганларни назарда тутамиз. Мақолада камбағалликни қисқартиришнинг “*моноиқтисодий*” муаллифлик модели тавсия этилган. Модель иккита қарама-қарши томонда жойлашган кириш қисмидан, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган жараён қисмидан ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг ўйғунлантирилиши эвазига шакллантирадиган жузъий ва умумий натижа қисмидан иборат.

Ёлланма ходимнинг иш ҳақиси, ўзини ўзи бандликдан оладиган даромад, тадбиркорлик даромади, сармоядорлик ва инновацион фаолиятдан оладиган даромади асосида шахсий даромад занжири яратилади. Инсон иқтисодий қобилиятларини ривожланиш ва уларни пул оқимининг турли секторларида рўёбга чиқариш натижасида у иқтисодий камолотга етиб боради ва турмушининг камбағаллик даражасидан фаровонлик даражасига эришиш учун мувофиқ шароит пайдо бўлади. “Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий модели” кишининг туғма ва орттирилган иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш орқали одамларни бойликка эмас, балки камбағалликдан чиқариб фаровонликка етаклаш йўлидаги иқтисодий ривожланиш механизми сифатида тавсия этилади.

Хулоса. Мамлакатимизда камбағалликни моноиқтисодий йўлида қисқартириш учун, ёшлар орасида иқтисодий таълим ва тарбияни кучайтириш, мономарказларда касбга ва тадбиркорликка ўқитишни йўлга қўйиш, инвестицион ва инновацион фаоллигини ошириш асосида янги иш ўринларини яратиш чора-тадбирларни кўриш талаб этилади.

Калит сўзлар: моноиқтисодий камбағаллик, меҳнат қобилияти, тадбиркорлик қобилияти, бойлик формуласи, моноиқтисодий модель, шахсий даромад занжири, қобилиятларни тижоратлаштириш, “Қобилият/Даромад” матрицаси, инсоннинг моноиқтисодий қиёфаси.

Кириш

Камбағаллик муаммоси ва уни қисқартириш масаласи жаҳон ва миллий иқтисодиётининг жорий ҳолати ва истиқболда ривожланиш тенденцияларини белгилаб берадиган муҳим ижтимоий-иқтисодий мезон ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг глобал камбағаллик даражасига қараб, унинг халқаро миқёсида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтингини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, 2000 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Минг йиллик Декларациясининг мақсадларидан бири сифатида “ўта қашшоқликка ва очликка барҳам бериш, жумладан 1990-2015 йиллар давомида кунида бир АҚШ доллари миқдорда даромадга эга бўлган аҳоли улушини икки бараварга камайтириш” вазифаси кўйилган эди [1]. БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида тасдиқланган Миллий мақсад ва вазифалар каторида “*фуқароларнинг ўта қашшоқлик шаклини бартараф этиш*” вазифаси кўйилган [2].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда, афсуски, камбағаллик масаласи кўп йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Мамлакатимизда аҳолини турмуш сифати бўйича кенг тасниф ва чуқур таҳлил қилинмасдан, фақат унинг “кам таъминланган” мавҳум қатламларини ажратилган ҳолда, уларга турли шакллардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилган. Илк маротаба, 2020 йил 27-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтказилган видеоселектор мажлисида мамлакатда қабағаллик масаласини кўтариб қайд қилдики: “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани” [3].

Камбағаллик – бу инсонларнинг шундай иқтисодий ҳолатидирки, унда улар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларини қондириш, ўз иш қобилятини тиклаш ва наслини давом эттириш имконига эга бўлолмайдилар. Халқаро даражада камбағаллик чегараси кунига киши бошига 1,9 АҚШ долларида паст бўлган даромад ҳисобланади. Бу таснифлашга кўра, дунёда 700 миллиондан ортиқ киши ўта камбағалликда яшайди ва у дунё аҳолисининг тахминан 10% ни ташкил этади [5].

2020 йил 29 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади” [4], деган стратегик вазифани парламент, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият олдида кўйилди. Ушбу стратегик вазифани амалга ошириш йўлида мамлакатимизда ҳозирги вақтда фаоллик билан кенг қўлламли амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда камбағалликка қарши маҳаллабай ва хонадонбай ишларни ташкил этиш, “Темир дафтар”, Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” тузиб, мамлакатдаги ишсизларни ва хорижга иш қидириб борадиганларни “Ишга марҳамат мономарказлар” каби бандликнинг янги институтлари орқали иш билан таъминлаб, кам таъминланган аҳоли қатламларига манзилли моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Қайд қилиш керакки, коронавирус инкирози оқибатларини бартараф этиш шароитида камбағалликни камайтириш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришни таъминлайдиган иқтисодий ўсиш, янги иш жойларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, инфляция даражасини пасайтириш, энг кам иш ҳақини минимал яшаш даражаси сатҳигача кўтариш, адолатли ва манзилли ижтимоий таъминот дастурларни яратиш каби қатъий чора-тадбирлар қаторида яна, фикримизча, ҳали-ҳануз эътибордан четда қолиб келаётган, одамларнинг иқтисодий қобилятларини ривожлантириш ва уларни тижоратлаштириш асосида *инсон иқтисодий унумдорлиги ёхуд ишлаб пул топиш маҳоратини* ошириш ҳам киради. Мақолада камбағалликни қисқартиришнинг *моноиқтисодиёт* даражасига хос бўлган инсон иқтисодий

қобилиятларини ривожлантириш ва уларни пул оқимларининг турли секторларида рўёбга чиқариш орқали фуқароларнинг фаровонлигини ошириш масаласи кўриб чиқилади.

Материаллар

Камбағалликнинг мазмун-моҳияти ва алоҳида жиҳатларига Т.Мальтус, Дж.Ст.Милль, Ж.Прудон, А. Смит, Д. Рикардо, К. Маркс каби классик сиёсий иқтисод намояндалари илмий асос солинган эдилар. Ҳозирги замонда камбағалликнинг иқтисодий табиати ва аниқлаш мезонлари С.Ананда, С.Бхаллы, Дж.Грира, С.Лэнсли, М.Рэвелльона, С.Роунтри, П.Таунсенда, П.Элкок каби хорижий олимлар асарларида кенг ёритилган. Ўзбекистонда фаровонлик концепцияси ва турмуш даражаси, инсон тараққиёти концепцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Б.Х.Умрзаков ва бошқа олимлар томонидан ёритилган.

Камбағалликни қисқартиришнинг турли моделлари мавжуд. Жаҳон амалиётида камбағалликка қарши курашнинг икки модели фаол қўлланилмоқда:

1.Энг кам даромад даражасини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш.

2.Аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш [6].

Биринчи модель юқори даражадаги фаровонликка эга ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Ушбу модел жорий истеъмол стандартларига жавоб берадиган минимал даромад даражасини ўрнатишга асосланади.

Мақсадли ижтимоий ёрдам ўртача даромад даражаси нисбатан паст бўлган ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ қўлланилади. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолига ёрдам тизими турли ижтимоий тўловлар шаклида иккинчи моделга мувофиқ амалга ошириб келинган.

Рус олими С.Д.Родионова камбағалликни бартараф этишнинг қадриятларга йўналтирилган модели ҳақида фикр юритади. Ушбу модель давлат ва турли фуқаролик жамияти институтларининг кам таъминланган оилаларга нафақат ёрдам ва қўллаб-қувватлаш орқали, балки, ижтимоий фаолликка қўмаклашиш, ўз-ўзини таъминлаш, ўзини ўзи банд қилиш, касб-ҳунар ва маълумот даражасини ошириш ва саломатлигини яхшилаш дастурларига жалб этиш орқали ҳам таъсир кўрсатишни кўзлайди. Уларнинг турмуш сифатини яхшилаш учун камбағаллар онгида янги қадриятларни мустаҳкамлаш ва бугунги камбағалларга хос бўлган қарашларни ўзгартириш, у нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммолигини тушунтирган ҳолда камбағалликни олдини олишга йўналтирилган турли ижтимоий чора-тадбирларни кўриш кераклиги таъкилланади (7, 25-26 бб).

Шунингдек, М.Л.Теодорович давлат, ижтимоий масъулиятли бизнес, жамоат ташкилотлари ва тузилмалари ҳамда ташаббускор аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишга асосланган камбағалликни проактив усулида қисқартириш стратегиясининг институционал моделини тавсия этади. Бунда камбағалликни камайтириш жараёнларга камбағалларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлайди тадқиқотчи. Проактив модель қатъий ўрнатилган имтиёз ва трансферларни камбағалларга бериш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш; ҳар бир иддаочининг шахсий ҳолатини таҳлил қилиш ва ёрдам олувчилар устидан қатъий назорат қилиш асосида мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашни институционаллаштиришни жорий этиш; ташаббус ва масъулият каби проактивликнинг асосий тамойиллари асосида мижозларнинг шахсий ресурсларини бошқаришни назарда тутати (8, 37-38 бб).

А.А.Груднева ўз тадқиқотларида сабабли омиллар таъсирига кўра камбағалликнинг ижтимоий ва иқтисодий турларини ажратади. Ижтимоий камбағалликка аҳолининг кам таъминланган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мўхтож, кўп болали ва боқувчисиз қолган оилалар, ёлғиз пенсионерлар, касал ва ногиронлар қатламларини киритади. Иқтисодий камбағал деб ишсиз, вақтинчалик банд, паст иш ҳақи олиб ишлаётган ва ҳозирги меҳнат бозорининг бундай хусусиятлари туфайли ижтимоий мақбул турмуш даражасини таъминлай олмайдиган меҳнатга лаёқатли фуқаролар ҳисобланади [9, 10 б].

Методлар

Мақолада монографик методида “камбағаллик” атамасини таҳлил ўтказилган ҳолда, унинг иқтисодий ва ижтимоий кўринишлари ажратилган. Контент таҳлил усулидан фойдаланиб, камбағалликни “7-М”: мего-, макро-, мезо-, мета-, микро-, мини- ва моно- даражаларда амал қилиниши аниқланган. Тизимли таҳлил усулини қўллаш натижасида инсон иқтисодий тараққиётининг сифат даражалари бўйича бешта моноиқтисодий – “иқтисодий заиф”, “иқтисодий салоҳиятли”, “иқтисодий куч-қудратли”, “иқтисодий комил” ва “иқтисодий номукамал” инсон тоифалари ажратилган. Мантиқий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда инсон иқтисодий қобилиятларини ривожланганлик даражасини миқдорий баҳолаш имконини берадиган еттита: “иқтисодий тарбия кўрганлиги”; “иқтисодий билимдонлиги”; “касбий маҳорати”; “меҳнат қобилиятини самарали рўёбга чиқариши”; “тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш самарадорлиги”; “даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги”; “жамғарилган пуллари капиталга айлантириш кўникмаси” ўлчов мезонлари ишлаб чиқилган. Қобилият/Даромад мутаносиблик матрицаси усулидан фойдаланиб, одамларнинг турмуш даражасини солиштирма таҳлили ўтказилган.

Натижалар

Хўжалик юритиш санъати ва маҳорати талқинидаги “иқтисодиёт” тушунчасининг анъанавий, макро- ва микроиқтисодиётга бўлиб ўрганишдан, уни еттита – мего-, макро-, мезо-, мета-, микро-, мини- ва нано-иқтисодиёт даражаларда тизимли ўрганишга ўтиш [10, 116] ғоясига асосланган ҳолда, биз “иқтисодий камбағаллик” тушунчасини вужудга келиш сабаблари бўйича еттита қуйидаги турларга ажратиб, тадқиқ этишни тавсия этамиз:

□□□*мегаиқтисодий камбағаллик* – жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, глобал рецессия, коронавирус пандемияси ва бошқа глобал ижтимоий-иқтисодий фожиалар оқибатида дунё миқёсида турмуш даражасининг камбағаллик ҳолатида яшаб келаётган ер юзи аҳолиси;

□□□*макроиқтисодий камбағаллик* – ишсизлик даражасининг кўпайиши, инфляциянинг ошиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ камлиги, энг кам иш ҳақининг кун кечириш учун зарур бўлган маблағлар миқдоридан пастлиги ва миллий иқтисодиётнинг бошқа макроиқтисодий беқарорлик омиллари таъсирида алоҳида давлат миқёсида яшаб келаётган камбағал аҳоли қатлами;

□□□*мезоиқтисодий камбағаллик* – минтақа ва ҳудудларнинг нотекис ва нисбатан суст ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, уларнинг иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланмаслик, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар-ҳодимларининг менежерлик компетенцияларининг пастлиги ва бошқа ҳудудий омиллардан боғлиқ бўлган камбағал маҳаллий аҳолиси;

□□□*метаиқтисодий камбағаллик* - тармоқ ва соҳаларнинг иқтисодий беқарорлиги, давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг менежерлик компетенцияларининг пастлиги ва бошқа тармоқ омиллари таъсирида вужудга келадиган камбағал корпоратив ходим ва раҳбарлар;

□□□*микроиқтисодий камбағаллик* - корхона ва бизнес субъектларининг паст рентабеллиги ва ходимларини моддий қўллаб-қувватлай олмаслиги натижасида шаклланадиган камбағал ишчи-хизматчилар;

□□□*миниқтисодий камбағаллик* – ҳисоб-китобсиз уй хўжалигини юритиш, оилаларда нашавандлик, ичкиликбозлик, безорлик каби ножўя хулқ-атворли аъзоларининг мавжудлиги сабабли вужудга келадиган камбағал оилалар;

□□□*моноиқтисодий камбағаллик* – индивиднинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланмаганлиги ва ушбу қобилиятларни пул оқимларининг турли секторларда айирбошлашга кирита олмасдан, паст даромадга эга бўлиб келаётган меҳнат қилишга лаёқатли камбағал кишилар.

Иқтисодий камбағалликнинг ҳар бир ажратилган тартиб даражасига мос равишда бартараф этишнинг ўзига хос усул, восита, модель ва ташкилий-иқтисодий

механизмларини ишлаб чиқилган тақдирда, мамлакатда камбағалларнинг сонини кескин камайтиришга эришиб, аҳоли фаровонлигини ошириш имкони янада ҳам кенгайиб боради.

Мақолада иқтисодий камбағалликнинг “7М” даражасидаги “моноиқтисодий камбағаллик”ни қискартиш йўллари батафсил кўриб чиқилади. “Моно” (юнонча “monos”) - мураккаб сўзларнинг биринчи қисми сифатида ўзбек тилида “якка” сўзига мос келади. Масалан, монография (бир мавзунини чуқур ўрганувчи китоб шаклидаги илмий нашр), монотон (ҳамиша бир хил), монополия (якка ҳокимлик), монолог (бир кишининг суҳбатини ифодаловчи нутқ шакли). “Моноиқтисодиёт” деганда иқтисодиётнинг микро (корхона) ва мини (оила) даражаларидан ҳам кичикроқ таянч бўғини - моно (индивид) даражасидаги иқтисодиётни назарда тутилади ва унинг негизида иқтисодий жиҳатдан комилликка эришилган меҳнатга лаёқатли инсон туради. “Моноиқтисодий камбағаллик” деганда меҳнат қилиш ёшига кирган, лекин иш ёқмаслиги, ўқишни хоҳламаслиги, исрофгарлиги, баднафслиги, қисқа муддатли фойдани қидириши, ўзига ёқмаган ишлар билан шуғулланиб юриши, вақтини бекорга сарфланиши каби камбағалларга хос одатларининг мавжудлиги ҳамда малакаси пастлиги, доимий ишининг йўқлиги сабабли ишлаб кам пул топадиган ёки ишсизлиги туфайли умуман даромади мавжуд бўлмайдиган ва зарурий эҳтиёжларини ўз даромади ҳисобидан қоплай олмайдиганларни биз назарда тутамиз.

Қайд қилиш жоизки, ҳар бир инсон бу фоний дунёга келиб ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондириб, тўқ яшашга ҳақли ва бу учун у тегишли ички салоҳиятга эга. Ўзбек оилаларда фарзанд туғилган чоғида, қариндош-дўстлари оила аъзоларини “Иллоҳо янги туғилган фарзанд умри ва *ризқи* билан берилган бўлса”, деб бежиз кутламайдилар. Чунки, чақалоқнинг “инга” деб туғилишидан, унга табиат ва Худо томонларидан ҳаётда ўз ризқ-рўзини топиб олиш имконини яратадиган турли туғма қобилиятлари билан бир қаторда, яна иккита бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодий қобилиятларини ҳам беришади. Бундай қобилиятлардан, агар бири, барча иқтисодий тизимларда амал қилиб келаётган *меҳнат қобилияти* бўлса, иккинчиси – бозор иқтисодиётига хос бўлган *тадбиркорлик қобилияти*дир.


Инсон меҳнат қобилияти иш кучидан амалда фойдаланиш жараёнида юзага келиб аниқ ва абстракт ҳамда жисмоний ва ақлий меҳнат турларидан иборат. Инсоннинг меҳнатга лаёқатлилиги унинг жисмоний бақувват, маънавий етук, ақлу заковатлилиги ва касб-ҳунарга эгалик қилинишидан боғлиқдир. Киши меҳнат натижасида иш ҳақи олиб тирикчилик қилади. Инсон қанча кўп ва унумли меҳнат қилса, шунча фаровон яшаш учун унинг молиявий имконияти ошиб боради. Афсуски, айрим меҳнатга лаёқатли кишилар ўзида мавжуд бўлган туғма меҳнат лаёқатини орттириш ва рўёбга чиқариш сайъ-ҳаракатларини ёшлиқдан, етарли даражада қилмаслиги сабабли, турмушнинг камбағаллик даражасида яшаш ва бошқалардан молиявий қарам бўлиб қолишдан бошқа иложи қолмайди.

Тадбиркорлик қобилияти - бу инсоннинг ўз ташаббуси билан иқтисодий омилларни бир-бирига бириктира олиш, янги ишини бошлаш, оқилона таваккал қила билиш, бизнесни бозор усулида юритиш ва бошқариш каби инсоннинг ишбилармонлик қобилиятлари йиғиндисидир. Тадбиркорлик қобилияти ҳар бир шахсни фаол ва мустақил фаолиятида ўзининг ишбилармонлик қобилиятини амалга ошириш шакли сифатида, одамларнинг иқтисодий сайъ-ҳаракатида бевосита намоён бўлиб туради. Инсон тадбиркорлик қобилиятлари унинг ташаббускорлик, менежерлик, новаторчилик, таваккалчилик, бозоршунослик каби фазилатларда намоён бўлади. Инсоннинг ушбу қобилияти меҳнат қобилиятига нисбатан мураккаброқ, ўзлаштирилиши кийинроқ салоҳият бўлиб, уни шакллантириш учун алоҳида тажриба ва ривожлантириш учун эса ирода ва маҳсус тайёргарлик керак бўлади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда яшайдиган иқтисодий фаол аҳолининг тадбиркорлик қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча чора-тадбирларни кўриб келмоқдаки, натижада аҳолимиз ёлланма ва мустақил меҳнат фаолияти билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлиб, ушбу фаолият

тури ҳисобидан ўз даромад манбаларини кенгайтиришга эришмоқда. Инсон қанча меҳнатсевар ва ўқимишли бўлиб, меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик иши билан фаол уйхунлашган ҳолда шуғулланса, унда шунча камбағалликдан чиқиб, тўқ ва фаровон ҳаёт кечириш учун кенг имконият вужудга келади. Зероки, меҳнат ва тадбиркорлик аҳоли фаровонлигининг асосий манбалари сифатида хизмат қилади.

Юқорида таъкидланган инсон иқтисодий қобилиятларининг икки томонлама: *меҳнат қилиши ва тадбиркорлик иши билан шуғулланиши хусусияти*дан келиб чиққан ҳолда, биз камбағалликка альтернатив турмуш тарзи бўлмиш *бойлик формуласини*, қўйидагича ифодалашни тавсия этамиз (1-расм):



1-расм. Меҳнат ва тадбиркорликка асосланган бойлик формуласи¹

Бойлик формуласини “*бойлик тенг ойлик плюс кунлик*”, деб оддий ва оммабоп тарзда ифодалашдан асосий мақсад - иқтисодий тарбияни кенг омма орасида тушунарли ва самарали амалга оширишдан иборат. Гап шундаки, агар биз, шўролар иқтисодиётининг ҳукмронлиги даврида, ёшларни меҳнат руҳида, “*меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик*” шиори остида бир томонлама тарбиялаб келган бўлсак, энди, янгиланаётган Ўзбекистонда уларни икки томонлама: ҳам меҳнат ва ҳам тадбиркорлик руҳида, янгича - “*меҳнатдан келса бойлик, рўзгорга етар ойлик, тадбиркорликдан тушса кунлик, турмуш бўлар чиройлик*” шиори остида иқтисодий тарбиясини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун, муаллифлик бойлик формуласида ота-она ва қариндошлардан қолдирилган мероснинг қиймати ва бошқа даромад манбаларини инобатга олинмасдан, фақат киши ўзи бевосита ишлаб топадиган даромад манбалари кўрсатилган. Шунингдек, ушбу формулада индивиднинг жамиятдаги турли - ҳайдовчи сифатида йўл ҳаракат қоидаларини бузилганлиги, уй бекаси сифатида коммунал тўловлари ва солиқларни вақтида тўламаслиги, кредитор сифатида банкдан олган қарзларни муддатида қайтармаслиги, кимгадир моддий зиён етказилган зиённи тўлаш каби ножўя сайъ-ҳаракатлари эвазига тўланадиган жарималар натижасида бойлигининг камайиши ҳам кўрсатилмаган.

Бироқ, реал ҳаётда одамларнинг иқтисодий қисмати турли турмуш сифатида кечади. Биринчи, ҳаётда аниқ мақсадларини кўзлаб, яхши ўқиб, касб-ҳунарга эга бўлган ҳолда ҳам ақлли меҳнат ва ҳам тадбиркорлик қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқара олиб, бой-бадавлатлик мартабасига эришишга муяссар бўлади. Иккинчиси тадбиркорлик билан шуғулланишни афзал кўриб, тўқ яшайди. Учинчиси ўрта ҳол турмуш тарзида қолиб, жисмоний меҳнат фаолиятидан қўлга оладиган ойлиги ҳисобидан уй-хўжалигини бир амаллаб юритишга сазовор бўлади. Тўртинчиси турли сабабларга кўра, ўз иқтисодий имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаролмасдан, камбағаллик даражасида ҳаёт кечириши ва ҳаётини эҳтиёжларини қондира олмасдан яшайди. Бешинчиси эса жуда ҳам кам даромадга эга бўлиб ёки умуман даромадсиз қолиб, давлатнинг ижтимоий ёрдами ва бошқаларнинг моддий ёрдами ҳисобидан зўрға кунини кўриб, қашшоқликда яшайди. Одамлар турмуш даражасидаги иқтисодий тафовутлар биринчи навбатда кишининг ўзидан боғлиқ, туғма

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

иктисодий қобилиятларини рўёбга чиқариш йўлида етарли даражада сайъ-ҳаракат қилмаслик, билим олишга интилмаслик, касб-хунарга ўрганмаслик, дангасалик, ишламай бекор юриш, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида баён этилган фикр-ақидаларга асосланиб, биз камбағалликни камайтиришнинг 2-чи расм кўринишидаги муаллифлик **“моноиқтисодий модели”**ни тавсия этамиз.



2-расм. Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий модели²

2-чи расмдан кўриниб турибдики, ушбу модель камбағалликнинг индивидга хос бўлган жиҳатларини акс эттирадиган иккита қарама-қарши томонларда жойлашган *кириш қисмлари*, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган *жараён қисми* ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг ўйғунлантирилиши эвазига шакллантирадиган *жузъий ва умумий натижа қисмлари*дан иборат. Моделнинг ҳар бир таркибий қисмларини батафсил кўриб чиқамиз.

Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий моделининг чап томонидаги *“Инсон иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш”* кириш қисми ҳаётда ўз ризқ-рўзини топиб олиш имконини яратадиган муҳим даромад манбаи ҳисобланади. “Иқтисодий қобилиятлар – инсон иқтисодий унумдорлигини ўлчов мезони сифатида хизмат қилади” [11]. Шунинг учун, иқтисодий жиҳатдан инсонга баҳо беришда унинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини эса қуйидаги еттита мезонлари асосида баҳолашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. *Иқтисодий тарбия кўрганлиги* (шахснинг меҳнатсеварлиги, тежамкорлиги, ҳисоб-китоб билан яшаши, хўжалик ишларни юргизиш маҳорати, ўз нафсини жиловлай олиш

² Манба: муаллиф ишланмаси.

кўникмаси, пулни оқилона сарфланиши, мол-мулкни асраш-авайлаши каби жузъий кўрсаткичлари асосида аниқланади).

2. *Иқтисодий билимдонлиги* (барча коммунал тўловларининг ҳисоб-китобларини билиши ва вақтида тўлашни таъминланиши, иш ҳақидан чиқимларни ва соф қўлга оладиган суммасини билиши, кундалик истеъмол товар ва хизматлари нарх-наволари тўғрисида тасаввур даражаси, оила бюджетини тузиш ва юритиш кўникмаси, бозор ва дўконлардан нарса сотиб олишда нарх музокараларини олиб бориш маҳорати ва харидорлик тажрибаси, солиқлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги билимдонлиги, бозор иқтисодиёти шароитида товат ва хизматлар нархларининг тез-тез ўзгариш сабабларини билиши каби жузъий кўрсаткичлари асосида аниқланади).

3. *Лавозимдаги мартабаси ва касбий маҳорати* (шахснинг иш жойида эгаллаб турадиган лавозимидаги мартабаси ва касбий маҳорати юқори, ўрта ва паст даражада аниқланади).

4. *Меҳнат қобилиятини самарали рўёбга чиқариши* (меҳнатдан оладиган даромаднинг шахсий ва оилавий сарф-харажатларини қоплаш имкониятини баҳолаш асосида аниқланади).

5. *Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш самарадорлиги* (тадбиркорликдан оладиган даромаднинг мавжудлиги ва унинг қўламини баҳолаш асосида аниқланади).

6. *Даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги* (бойликнинг “80/20” , яъни бир ойлик (йиллик) даромадларининг 80% ва ундан камроғини истеъмолчилик харажатларга сарфлаб, 20% ва ундан кўпроғини жамғариб бориш олтин қондасига қай даражада риоя қилиш бўйича аниқланади).

7. *Сармоядорлик маҳорати* (шахсий жамғармаларни айирбошлашга киритиб, улардан оладиган қўшимча фойда меъёри асосида аниқланади).

Биз юқоридаги баҳолаш мезонлари асосида одамларни иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича махсус “Иқтисодий лаёқат тести”ни тузиб, фаолиятдаги 2011 нафарнинг иқтисодий лаёқатини қайси даражада қарор топганлигини 100 балли баҳолаш тизимида эксперт усулида аниқладик (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида 2011 нафар иш билан бандларнинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш натижалари³

Т/р	Иқтисодий лаёқат тести бўйича тўпланган баллар оралиғи	Иқтисодий қобилиятларининг ривожланган даражалари	Баҳоланганлар сони, киши	% ҳисобида
1	0 дан 25 га қадар	Ривожланмаган	16	0,8
2	26 дан 40 га қадар	Суст даражада ривожланган	254	12,6
3	41 дан 55 га қадар	Ўрта даражада ривожланган	821	41,0
4	56 дан 70 га қадар	Меъёр даражада ривожланган	701	34,7
5	71 дан 85 га қадар	Етуқлик даражада ривожланган	207	10,3
6	86 дан 100 га қадар	Комиллик даражада ривожланган	12	0,6
	Жами:		2011	100%

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, 2011 нафар сўроқланганларнинг аксарияти – 821 (41,0%) кишида иқтисодий қобилиятлари ўрта даражада ва 701 (34,7%) кишида меъёр даражада ривожланганлиги аниқланди. Бу тоифа кишилар малакали ходимлар сифатида асосан ёлланма меҳнат фаолияти билан банд бўлиб, бўш вақтларида ўзини ўзи банд қилган меҳнат фаолиятини ҳам амалга ошириб, даромадини иккита иқтисодий манба ҳисобидан

³ 1-жадвал муаллиф томонидан тузилган “Иқтисодий лаёқат тести” асосида тузилган.

кўпайтириш эвазига *ўрта ҳол турмуш даражасида* яшаб келадиган кишилар ҳисобланадилар. Респондентларнинг 207 нафарида иқтисодий қобилиятлари етуклик ва 12 нафарида эса комиллик даражаларда қарор топганлиги кузатилди. Бундай тоифага мансуб кишилар меҳнат руҳида тарбияланган, юқори малакали ходимлар сифатида меҳнатнинг ҳам ёлланма ва ҳам мустақил шакли билан банд бўлиб, тадбиркорлик қобилиятларини ҳам рўёбга чиқариб, хусусий тадбиркорлик билан ҳам шуғулланадилар. Улар бойликнинг олтин қондасига риоя қилган ҳолда ўз жамғармаларини яратиб, уларни ҳам айирбошлашга киритиш ва қўшимча даромад олиш маҳоратига эга кишилар қаторига кириб, турмушнинг тўқ даражасида яшашга сазовор бўладиган кишилар тоифасига мансуб бўлганлар. Респондентларнинг 12,6% да иқтисодий қобилиятлари суёт ривожланган ва 0,8% да эса умуман ривожланмаган даражалари ҳам мавжудлиги аниқланди. Бундай ҳолат сўроқланганларнинг фақатгина биргина ёлланма меҳнат имкониятидан фойдаланиш, малакаларининг пастлиги, топган пулларини барчасини истеъмолчилик харажатларга сарфланиши, тадбиркорлик қобилиятларини ривожланмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, камбағал турмуш даражасига хос иш билан банд кишилар ҳисобланадилар.

Моделнинг ўн томонидаги “Шахсий даромад занжирини яратиш”, деб номланган кириш қисми меҳнатга лайқатли кишининг иқтисодий қобилиятларини ривожланиб, уларни рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш эвазига яратадиган даромад турларининг шакллантиришини назарда тутди. Бунда, шахсий даромад занжирини, дунёда машҳур бизнес маслаҳатчиси Роберт Киосакининг “пул оқимининг квадранти” ғоясига мувофиқ тўрта - ёлланма хизматчининг иш ҳақиси, ўзи учун ишловчининг даромади, бизнес эгасининг даромади ва сармоядорларнинг фоиз даромадидан таркиб топади [12]. Шунингдек, ушбу занжирга инновацион фаолиятидан оладиган даромадни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шахсий даромад занжирини 3-расмда кўрсатилган даромад манбалари ҳисобидан яратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.



3-расм. Шахсий даромадни шакллантириш занжири⁴

Моделнинг иккита қарама-қарши томонида жойлашган кириш қисмларини бири-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган “*Инсон иқтисодий қобилиятларини рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш*”, деб номланган жараён қисмида индивиднинг амалда қўллаш мумкин бўлган меҳнат ва тадбиркорлик фаолият турлари кўрсатилган. Биз “Қобилият/Даромад” мутаносиблиги матрицаси (2-жадвал) доирасида инсон қобилиятларини рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш асосида уларнинг даромад келтирувчи манбаларини ўргандик [13].

“Қобилият/Даромад” мутаносиблиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, амалда меҳнат ёшидаги кишилар ўз меҳнат қобилиятини икки йўл билан рўёбга чиқаришлари мумкин. Биринчи, ёлланма ишчи-хизматчи сифатида давлат ва нодавлат корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилиш йўли. Иккинчиси, ўз-ўзини бандлигини ташкил этиб, шахсий уйларни таъмирлаш, ўз автомобили билан киракашлик қилиш, уйда ширинликларни пишириб, мижозларига етказиб бериш, мардикорлик тарзида ҳар хил ишларни бажариш каби мустақил меҳнат қилиш йўли. Агар ёлланма ишчи-хизматчи иш ҳақи, устамалар ва мукофот пули сифатида доимий даромад олса, ўзи ўзининг бандлигини таъминлаш эвазига киши вақтинчалик даромадга эга бўлади. Меҳнатнинг иккала йўлида ҳам одамлар муайян миқдордаги даромадни қўлга киритиб, ўз молиявий

⁴ Манба: муаллиф ишланмаси.

таъминотини ташкил этилган ҳолда, камбағалликдан чиқиб, ақалли ўрта ҳол турмуш даражасида яшаш имконига эга бўлади.

2-жадвал

“Қобилият/Даромад” мутаносиблик матрицаси⁵

Инсон қобилиятларининг айирбошлаш(товар) шакллари			
Инсон қобилиятларининг даромад манбалари	Меҳнат	Иш кучи	Тадбиркорлик қобилияти
		Ёлланма ишчи-хизматчининг иш ҳақиси	Ўзини ўзи банд қилган меҳнат фаолиятидан даромад
		Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва корпоратив менежерликдан даромад	Бизнесга эғалик, сармоядорлик ва инновацион фаолиятларидан даромад
	Тадбиркорлик		

Янгиланаётган Ўзбекистонда фаол инвестицион сиёсатини амалга ошириш натижасида янги корхоналар ташкил этиб, ва уларда ёлланма ишчи-хизматчи сифатида меҳнат қилиш кўлами кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби, меҳнат стажи ҳисобланиш хусусиятлари, махсус мобиль илова орқали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг хизматларидан (ишларидан) фойдаланувчилар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатини 68 тага етказиш каби чора-тадбирлари туфайли мамлакатимизда ўз ишини ташкил қилиб фаолият кўрсатадиган фуқароларнинг сони кўпайиб бормоқда [14, 15].

Шунингдек, одамлар ўз тадбиркорлик қобилиятини ҳам бир нечта йўл билан рўёбга чиқаришлари мумкин. Биринчи йўли - ўз бизнесини ташкил этиш ва бошқариш йўлида бирон хусусий ишини ташкил этиб, бошқа ишчи-хизматчиларни ишга қабул қилган ҳолда ўз бизнесини юритади. Бунда, киши бевосита жисмоний меҳнат билан шуғулланмасдан, бошқарув иши, менежерлик фаолиятини амалга оширади. Иккинчи йўли - муайян миқдорда ортикча молиявий маблағга эга бўлган инвестор сифатида, ўз маблағларини бирон ишга тиклаб, инвестицион фаолияти эвазига фоида даромад олиш сайъ-ҳаракатларини қиладди. Учинчи йўли - илмий-тадқиқот иши билан шуғулланиб, тадқиқот натижасида яратилган илмий янгиллигини амалда жорий этиш каби инновацион фаолияти билан шуғулланиш эвазига даромадга эга бўлиш. Тадбиркорликнинг барча йўлида ҳам киши муайян миқдорда даромадга эга бўлиб, ўз молиявий таъминотини ташкил этишга муяссар бўлади ва фаровон турмуш даражасида яшаш имконига эга бўлади.

Моделнинг жараён қисмида санаб ўтилган меҳнат ва тадбиркорлик фаолият турларини Бахтиёр исмли Бухоро давлат университети профессори фаолияти мисолида 3-жадвалда кўрсатилган.

⁵ Манба: Муаллиф ишланмаси.

3-жадвал

Ўзбекистон олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган юқори малакали илмий-педагог ходими даромад занжирининг тузилиши (2021 йил март ойи ҳолатида)⁶

Т/р	Илмий-педагог ходимнинг даромад занжирининг таркибий қисмлари	Бир ойда даромад миқдори (солиқларни чиқарилгандан сўнг), млн.сўмда	Даромад манбаларининг занжирдаги улуши, %	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (747300 сўм)га нисбати, марта (+ ўсиш, - камайиш)	Даромаднинг халқаро камбағаллик чегараси (\$1,9 ёки 20 минг сўм 1 кунда) га нисбати, марта (+ ўсиш, - камайиш)
1.	Давлат университетида профессор лавозимидаги иш ҳақиси (60% фан доктори илмий даражаси учун) устамаси билан	11,0	52,4	+14,7	+18,3
2.	Репетиторлик (ишбилармонлик инглиз тилини ўргатиш курси)дан даромад	3,0	14,3	+4,0	+5
3	Дала ҳовлисидаги иссиқхонадан ўртача бир ойда оладиган даромади миқдори	2,2	10,5	+2,9	+3,7
4	Акциядорлик-тижорат банкдаги омонатидан бир ойлик фоиз даромади миқдори	1,5	7,1	+2,0	+2,5
5	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиқдан фундаментал тадқиқот лойиҳаси раҳбари сифатида оладиган ойлиги	3,3	15,7	+4,4	+5,5
Жами:		21,0	100	+28	+35,0

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган фан доктори, профессор бир вақтнинг ўзидаёқ 5 та фаолият турини бажариш имконига эга бўлмоқда ва бир ойда 21,0 млн.сўм соф даромадни қўлга киритишга эришган. Унинг ойлик даромади мамлакатимиздаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан 28 марта ва халқаро камбағалликнинг чегарасидан 35 марта кўпдир. Ушбу профессор ўз иқтисодий ва интеллектуал қobiliятларини тўла рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш натижасида 2016 йилда ўрта ҳол турмуш даражасидан 2021 йилда тўқ турмуш даражасига кўтариб, оиласи билан фаровон яшаб келмоқда.

Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий моделининг чап ва ўн томонларидан, иккита - “ҚОБИЛИЯТ” ва “ДАРОМАД” стрелкалари орқали “Индивиднинг

⁶ Манба: муаллиф томонидан тузилган.

моноиқтисодий қиёфасининг шаклланиши", деб номланган жузъий натижа қисмига йўналтирилганлиги, "Қобилият/Даромад" мутаносиблиги ва уларнинг ўзаро уйғунланиши эвазига инсоннинг иқтисодий камолотга етиш мартабаларини ифодалайди. Иқтисодий комил инсон – бу ўз нафсини жиловлай оладиган ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик қобилиятларга эга бўлиб, уларни ўзининг, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги ва манфаати йўлида самарали рўёбга чиқара оладиган кишидир [13]. Биз инсоннинг моноиқтисодий қиёфасини ифодалайдиган бешта қуйидаги иқтисодий мартабаларини ажратишни тавсия этамиз:

1.**Иқтисодий заиф инсон** – таълим олаётганлиги, ишсизлиги, ёш болалилиги, уй бекалилиги ва бошқа сабабларга кўра ишламайдиган; малакаси пастлиги ёки ишқўмаслиги туфайли кам иш ҳақи оладиган; оила истеъмол саватига 0%дан 25% даромад улушини қўшиб иқтисодий нафсизлилик ҳолатида қарор топган, меҳнат ёшидаги кишидир.

2.**Иқтисодий салоҳиятли инсон** – ўз меҳнат қобилиятини рўёбга чиқариб, иш ҳақи ҳисобидан оила истеъмол саватига 26%дан 50% улуш қўшган ҳолда фақат ўзининг эҳтиёжини қондиришига қудрати етадиган кишидир.

3.**Иқтисодий қудратли инсон** – ўз меҳнат қобилияти билан бир қаторга тадбиркорлик қобилиятини ҳам рўёбга чиқариб оила истеъмол саватига 51%дан 100% улуш қўшган ҳолда ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган кишидир.

4.**Иқтисодий баркамол инсон** – болалик ва ёшлик давридан меҳнатсеварлик руҳида тарбия кўрган, ўзига хос касбни эгаллай олган, ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини жамият манфаати ва халқ фаровонлиги йўлида самарали рўёбга чиқарган ҳолда ўртача статистик оиланинг биттадан кўпроқ истеъмол савати қийматига эквивалент бўлган даромад қўлга киритиб, ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда кам таъминланган аҳолига ижтимоий кўмаклаша оладиган, камолот чўққисига эришган кишидир.

5.**Иқтисодий номукамал инсон** – порахўрлик, фирибгарлик, норасмий тадбиркорлик йўли билан даромад қўлга киритадиган, давлат солиқларни қисман ёки умуман тўламасдан даромадга эга бўладиган, ишлаб топган даромадининг кўп қисмини қиморбозлик, нашамандлик, аракхўрлик, фохишабозлик каби ношоён машғулотларга сарфлаб, оила истеъмол саватига арзимас улуш қўшадиган кишидир.

Юқорида ажратилган одамларнинг моноиқтисодий мартабаларини аниқлаш усулини биз оилабай ёндашган ҳолда ишлаб чиқдик ва уни 5 кишидан иборат бўлган оила аъзолари мисолида кўриб чиқамиз (4-жадвал).

4-жадвал

Беш кишидан иборат оила аъзоларининг моноиқтисодий камолот даражасини ҳисоблаш усули

Т/р	Оила аъзолари	Ёши (йил)	Фаолият тури	Йиллик даромади (млн, сўм)	Оиланинг истеъмолчилик саватчаси (ИС) даги улуши, (%)	Оила аъзоларининг иқтисодий комиллик мартабаси
1	2	3	4	5	6	7
1	Отаси	54	ОТМ профессори	132,0	200,0	Иқтисодий баркамол инсон
2	Онаси	50	Тикувчилик фабрикаси тикувчиси	20,0	30,3	Иқтисодий салоҳиятли инсон
3	Ўғли	26	Тадбиркор	60,0	90,9	Иқтисодий қудратли инсон

4	Келини	21	ОТМ талабаси	4,8	7,3	Иқтисодий заиф инсон
5	Навераси	4	МТМ ўқувчиси	0	0	Иқтисодий заиф инсон
	ЖАМИ:			216,8	ИС қиймати = 66,0 млн.с.	

Биз дастлаб 5 кишидан иборат оиланинг ҳозирги вақтдаги бир ойда ўртача истеъмолчилик саватчасини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Бу учун оиланинг озиқ-овқат, кийим-бош, коммунал тўловлари, транспорт, дори-дармон ва даволаш, ўқиш, уй хўжалиги таъминоти, оилавий тадбирларни ўтказиш ва бошқа зарурий харажатларини жорий нархларда ҳисобини чиқардик. Мазкур оиланинг истеъмолчилик саватчасининг қиймати бир ойда 5,5 млн. сўм ва бир йилда 66,0 млн. сўм (5,5 млн.с. x 12 ой) га тенг бўлди. Сўнгра, ҳар бир ишлайдиган оила аъзосининг бир ойда солиқларни чиқарилгандан сўнг қўлга оладиган соф даромад миқдорини аниқлаб, уларни йиллик даромадларини ҳисобини чиқардик. Меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг йиллик даромадини юзга кўпайтириб, оиланинг истеъмолчилик саватчасининг қийматига бўлиш орқали уларнинг мазкур саватдаги улушини ҳисоблаб, иқтисодий комиллик мартабасини аниқлаб олдик. Ҳисоб-китоблар кўрсатияптики, оиланинг 5 та аъзоларидан 4 таси иш билан банд бўлиб, отаси ОТМ профессори лавозимида ишлаб, бир ойда 11,0 млн сўм иш ҳақи олади. Унинг оиланинг истеъмолчилик саватчасидаги улуши $200,0\%$ ($132,0 \times 100 : 66,0$)ни ташкил қилиниши туфайли у оилада “Иқтисодий баркамол инсон” мартабасига эга бўлди. Онаси тикувчилик иши билан шуғулланиб, ойида 1,66 млн.сўм ойлик маош олади ва оиланинг истеъмолчилик саватчасидаги $30,3\%$ ($20,0 \times 100 : 66,0$) улуши билан оилада “Иқтисодий салоҳиятли инсон” мартабасига муяссар бўлди. Ўғли якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, йилида 60,0 млн.сўм соф даромад кўриб, оиласининг истеъмолчилик саватчасига $90,9\%$ ($260,0 \times 100 : 66,0$) улуш қўшилган ҳолда “Иқтисодий қудратли инсон” мартабасига эришди. Келини эса, талаба сифатида ойида 400000 сўм стипендия олиб, оиласининг истеъмолчилик саватчасига жуда ҳам кам - $7,3\%$ улуш қўшаётганлиги сабабли “Иқтисодий заиф инсон” мартабасига лойиқ топилди.

Ниҳоятда, моделнинг сўнгги “*Индивидуалнинг турмуш даражасини ошириш*”, деб номланган умумий натижавий қисми инсон иқтисодий қобилиятларини суи даражадан ривожланган даражасига етказиш ва уларни пул оқимининг ёлланма ва мустақил меҳнат, якка тартибдаги тадбиркорлик ва бизнесга эгалик ҳамда сармоядорлик ва инновацион тадбиркорлиги секторларида рўёбга чиқара олиш эвазига иқтисодий комил инсоннинг салоҳиятли, қудратли ва баркамоллик мартабаларига етиб бориши сари турмушининг қашшоқлик даражасидан камбағаллик даражасига, камбағалликдан ўрта ҳол ва ундан фаровонлик даражасига кўтаришида намоён бўлади.

Мунозара

Инсон бу ўзига насиб қилган умрида ҳаётининг икки – ҳам моддий ва ҳам маънавий палласини уйғунлашиб яшаса давлатмандлик мартабасига эришади. Ҳаётда пулни устун қўйилиши кишининг кексайиб бориши сари афсусланишга олиб келади. Ўрта аср Шарқининг буюк шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий инсонларнинг бу фоний дунёда ёруғ жаннатни кўришнинг муҳим қоидаларидан бири сифатида бежиз “*Фаровонликда яшанг, лекин бой бўлманг*”[16] демаган. Ислон динининг пешвоси Ҳазрати Али мол-давлат кишининг душманларини кўпайтиради, унинг кўпайиши қалбни қорайиб, туманлаштиради, туну кун беҳаловат қилади, зулмат ва залолатга олиб боради” деган [17]. “Apple” компаниясининг асосчиси, ихтирочи ва 7 млрд. доллар бойлик эгаси Стивен Пол Жобс 56 ёшида саратон касаллиги сабабли ўлим олди сўнгги сўзларида “дунёдаги барча моддий нарсаларни сотиб олиш мумкин, лекин ҳаётни, бахтни ва соғлиқни қанча пулингиз бўлса ҳам сотиб ололмайсиз [18], деб бахтни пулдан устун қўйилган. Шунинг учун, юқорида тавсифланган “Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий модели” кишининг туғма

ва орттирилган иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш орқали одамларни *бойликка эмас*, балки камбағалликдан чиқариб, фаровонликка етаклаш йўлидаги иқтисодий ривожланиш механизми сифатида тавсия этилади.

Хулоса

Юқорида билдирган фикр-ғоялар юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- “Моноиқтисодий камбағаллик” атамаси индивиднинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланмаганлиги ва уларни пул оқимларининг меҳнат ва тадбиркорлик фаолият турларида айирбошлашга кирита олмасдан, паст даромадга эга бўлиб келаётган меҳнат қилишга лаёқатли камбағал кишилар.

- Инсон иқтисодий қобилиятларининг икки томонлама: меҳнат қилиш ва тадбиркорлик иши билан шуғулланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, биз камбағалликка альтернатив турмуш тарзи сифатида *бойлик формуласини “бойлик тенг ойлик плюс кунлик”*, деб ифодалаймиз.

- Камбағалликни камайитиришнинг моноиқтисодий модели иккита қарама-қарши томонларда жойлашган кириш қисмлари, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган жараён қисми ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг ўйғунлантирилиши эвазига шакллантирадиган жузъий ва умумий натижа қисмларидан иборат.

-Иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси иқтисодий тарбия кўрганлиги ва билимдонлиги, касбий маҳорати, меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини самарали рўёбга чиқариши, даромад ва харажатларнинг мутаносиблиги ҳамда сармоядорлик маҳорати мезонлари асосида баҳоланади.

-Шахсий даромад занжири ёлланма ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ўзини ўзи бандликдан даромад, тадбиркорлик даромади, сармоядорлик ва инновацион фаолиятидан оладиган даромади асосида яратилади.

- Кишининг моноиқтисодий қиёфаси иқтисодий заиф, салоҳиятли, қудратли, баркамол ва номукамал инсон мартабаларида намоён бўлади.

- Инсон иқтисодий қобилиятларини ривожланиш ва уларни пул оқимининг турли бўлимларида рўёбга чиқариш натижасида у иқтисодий камолот даражасига етиб боради ва турмушининг камбағаллигидан ўрта ҳол ва ундан фаровонлик даражасига кўтариш имкони пайдо бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда камбағалликни моноиқтисодий ёхуд индивиднинг меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш асосида камайитириш учун, аввало, иқтисодий таълим ва тарбияни ривожлантириш, ишга марҳамат мономарказларнинг сонини кўпайтириб, уларда устоз-шогирд муносабатларига асосланган касбга ва тадбиркорликка ўқитишни йўлга қўйиш, хорижий ва миллий инвестицияларни жалб этиш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш асосида ҳудудларда янги иш жойларини яратишга қаратилган кенг кўламли ва самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций. Принята резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи от 8 сентября 2000 года. [https:// www.un.org /ru/documents /decl_conv/declarations/summitdecl.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml) (мурожаат санаси:13.03.2021).

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрь, 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. <https://lex.uz/docs/4013356> (мурожаат санаси:13.03.2021).

3.“12-15 фоиз аҳолимиз камбағал”. Президент камбағалликдан чиқишда одамларни тадбиркорликка ўргатиш ҳақида гапирди. <http://darakchi.uz/uz/86415> (мурожаат санаси: 28.02.2020).

4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056> (мурожаат санаси: 29.12.2020).
5. Алексей Киличев. Самые бедные страны в мире – 2020. <https://zaimisrochno.ru/articles/5078-samye-bednye-strany-v-mire-2020> (мурожаат санаси: 21.02.2021).
6. Борьба с бедностью. Основные модели. https://spravochnick.ru/ekonomika/borba_s_bednostyu_osnovnye_modeli/ (мурожаат санаси: 06.03.2021).
7. Родионова С.Д. Преодоление бедности в системе социального управления северным городом. Автореферат дисс...к.с.н. РФ. Тюмень. 2014. 30 с.
8. Теодорович М.Л. Проактивная стратегия снижения бедности в России: партисипаторный механизм реализации. Автореферат дисс....д.с.н. Нижний Новгород. 2010. 50 с.
9. Груднева А.А. Организационно-экономический механизм снижения бедности на селе (на материалах Ставропольского края). Автореферат дисс....к.э.н. М.: 2011. 28 с.
10. Навруз-Зода Б.Н., Хуррамов О.Қ., Шомиев Ғ.У. Иқтисодиётнинг нано жаражасига хос маркетинг қиёфаси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илми электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2016 йил. ТДИУ.Т: 1-13 бб. Мавжуд: [www. Iqtisodiyot.uz](http://www.Iqtisodiyot.uz)
11. Навруз-Зода.Б.Н.Иқтисодий қобилятларнинг ўлчов мезонлари. Psixologiya ilmiy jurnal, 3-сон, 2014- уй. 1-6 б.
12. Киосаки Р.Т., Лечтер Ш.Л. Пул оқими квадранти. Т.: Yurist-media markazi, 2014. – 176 б.
13. Наврўззода Б.Н. Баркамол авлоднинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш. Бухоро Давлат университети илмий ахбороти, 2-сон, 2010 й. 32-38 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2020 й., 07/20/4742/0736-сон; 10.02.2021 й., 09/21/6165/0104-сон.
16. Abdurahmon Jomiy. Gʻazallar, qitʼalar, ruboiylar. Adib: [Jahon adabiyoti va madaniyati](http://Jahon-adabiyoti-va-madaniyati). <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/abdurahmon-jomiy-poetry.html> (мурожаат санаси: 26.03.2021).
17. Абдулахатов Н., Ғозиев Т. Шоҳимардон. Янги аср авлоди. Т.: 2010 – 591 б.
18. Стив Джобс. Изобретатель, бизнесмен, основатель компании Apple. <https://biographe.ru/biznesmeni/stiv-jobs/> (мурожаат санаси: 27.03.2021).